# Куч–адолатда

*Адл ила олам юзин обод қил!*

2023 йил
13 январь,
жума
№ 1-2 (932)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ГЛОБАЛ ЖАНУБ ОВОЗИ» ОНЛАЙН-САММИТИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Нарендра Моди Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

"Глобал Жануб овози" саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашдан ғоят мамнунман.

Ҳиндистон Бош вазири, ҳурматли Моди жанобларига "Инсон манфаатларига йўналтирилган тараққиёт" мавзусидаги бугунги мулоқотимизни ўтказиш ташаббуси учун билдирилган ҳамма миннатдорчилик сўзларига тўлиқ қўшиламан.

Ушбу форум Ҳиндистоннинг "Дунё — ягона оила" умумбашарий ғоясига содиқ қолаётганидан яққол далолат беради.

Ишончим комилки, ушбу тадбиримиз халқаро миқёсда нуфузи, иқтисодий, технологик ва интеллектуал салоҳияти тобора юксалиб бораётган Ҳиндистоннинг "Катта йигирматалик"даги раислиги муваффақиятли ўтишига салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти турли қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг кескинлашуви ҳамда иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларига дуч келмоқда.

Биз халқаро муносабатларда очиқ мулоқот ва ўзаро ишончнинг тобора камайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Коронавирус пандемияси, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги масалалари ҳамда экологик муаммолар глобал тараққиёт истиқболларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай мураккаб шароитда, айниқса, мамлакатларимиз олдида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида кўплаб янги-янги тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Айни пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ҳеч ким ортда қолмаслиги зарур" деган асосий тамойили янада долзарб тус олмоқда.

Шу ўринда Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва самарали алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаол ўрни ва ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 январь куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди раислигида онлайн шаклда ўтказилган "Глобал Жануб овози" саммити ялпи мажлисида нутқ сўзлади.***

Ҳиндистоннинг "Катта йигирматалик"ка (G20) раислиги доирасида ташкил этилган тадбирда Вьетнам Республикаси Президенти Нгуен Суан Фук, Гайана Республикаси Президенти Муҳаммад Ирфон Али, Мозамбик Республикаси Президенти Филипе Ньюси, Сенегал Республикаси Президенти Маки Салл, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Шайх Хасина, Мўғулистон Бош вазири Лувсаннамсрайн Оюун-Эрдэнэ, Таиланд Қироллиги Бош вазири Прают Чан Оча, Камбоджа Қироллиги Бош вазири Хун Сен ва Папуа — Янги Гвинея Мустақил Давлати Бош вазири Жеймс Марапе қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ривожланиш масалалари муҳокама қилинди, ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини илгари суриш ва долзарб муаммоларини ҳал қилиш мақсадида, шу жумладан, иқтисодиёт, экология, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш, инновациялар, туризм ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр ва аниқ таклифлар алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугунги халқаро вазиятда кузатилаётган долзарб тенденцияларга баҳо бериб, ривожланаётган мамлакатлар олдида турган асосий устувор вазифалар борасида фикр билдирди.

— Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти турли қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг кескинлашуви, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларига дуч келмоқда. Биз халқаро муносабатларда очиқ мулоқот ва ўзаро ишончнинг тобора камайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон етакчиси қайд этганидек, коронавирус пандемияси, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги масалалари ҳамда экологик муаммолар глобал тараққиётнинг истиқболларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва самарали алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаол ўрни ва роли алоҳида таъкидланди.

Шу маънода, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ва халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотларнинг марказида инсон манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан**

**Ботиров Иқболжон Қобилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**"Мардлик" ордени билан**

**Деҳқонов Отабек Валиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Махбубов Рустам Мамарасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда) ▶

*Фаолият мезони*

## Сайёр судлар: очиқлик ва ошкораликнинг амалий ифодаси

**Мамлакатимизда суд тизимидаги ислоҳотларни янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш — Тараққиёт стратегиясининг 2026 йилгача бўлган даврига оид энг устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, суд идоралари адолат қўрғонига айланиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда ишончли таъминлаши керак.**

(Давоми 3-бетда) ▶

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – 2022 ЙИЛДА:

### *сарҳисоб ва истиқболдаги режалар*

***Ўтган йил бутун дунё, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган Мурожаатномасида қайд этганидек, "Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади".***



Мурожаатномада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти экани алоҳида таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Авваламбор, давлатимиз раҳбарининг **"Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият",** деган фикрларига эътиборни қаратмоқчиман, — деди А.Саидов.

(Давоми 4-5-бетларда) ▶




*Султон Ҳусайн Соҳибқирон Амир Темурнинг эвараси бўлиб, 1438 йил июль (ҳижрий 842 йил, муҳаррам) ойида Ҳиротнинг Давлатхона саройида дунёга келган. Унинг шажараси ота томонидан Соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзога (1356–1394), она тарафдан Мироншоҳ Мирзога (1366–1408) бориб тақалади.*

Ҳусайн Бойқаро мамлакатни 37 йилга яқин бошқарди. Унинг бошқаруви даврида Хуросон Шарқнинг тинч ва фаровон ўлкалардан бирига айланди. Албатта, бу улуғвор ўзгаришларда Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари мутафаккирларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор эди.

1501 йилда яқин дўсти, маслакдоши ва сафдоши Алишер Навоийнинг вафоти ҳукмдорнинг сиёсат майдонида ҳам яккаланиб қолишига сабаб бўлди. Бу эса, бутун темурийлар салтанати инқирозини тезлаштириб, шайбонийлар учун қулай имкониятларни вужудга келтирди.

1506 йил баҳорида Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон қўшинини йиғиб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши курашга отланади. Йўлда аҳволи оғирлашиб, қўшинни тўхтатишга қарор қилади. Ҳукмдор 5 май куни кечқурун 69 ёшида оламдан ўтади.

(Давоми 6-бетда) ▶



**Олий Мажлис Сенатининг ўттиз олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар тмонидан "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилиб, мақулланди. Хабарингиз бўлса, ушбу қонун Сенатнинг йигирма еттинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан рад қилинган ва қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Олий Мажлис палаталарининг келишув комиссияси тузилган эди.**

*Моҳият*

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА




Келишув комиссияси аъзолари билдирган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклиф ва эътирозлар муҳокама қилинди. Шу асосда қонунга келишилган таҳрирда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Таҳрир қилинган лойиҳа Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва Сенатга қайта тақдим этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Шарҳ*

## Инсонпарварлик намунаси

### *қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ҳам намоён бўлмоқда*

***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2022 йил 16 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс "Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш" деб номланган янги боб билан тўлдирилди.***

(Давоми 3-бетда) ▶

**Парламент фаолияти**

## Қонунчиликдаги янгиликлар



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, қабул қилинди.**

### *Истеъмолчилар учун қўшимча имкониятлар яратилмоқда*

Депутатлар дастлаб **"Истеъмол кредитини ажратиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"**-ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Президентимизнинг 2022 йил 12 августдаги **"Замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасида мамлакатимиз аҳолисини таълим олиш, меҳнат қилиш ҳамда турмуш шароитини яхшилаш мақсадида зарур бўлган барча истеъмол товарлари (хизматлари) билан тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда молиявий истеъмол кредитлари учун талаб ортиб бораётган бўлса-да, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (хизматлар)га молиявий истеъмол кредит ажратилиши амалда чекланган.

(Давоми 3-бетда) ▶

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ГЛОБАЛ ЖАНУБ ОВОЗИ» ОНЛАЙН-САММИТИДАГИ НУТҚИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилди ва халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Бугун Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Сиёсатимизнинг марказида инсон қадри ва унинг манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланган.

Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни — қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз ўз олдимизга яқин келажакда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатимизда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режаларни қўйганмиз.

Ушбу марраларга эришиш учун 2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда замонавий таълим ва касб-ҳунарларни эгаллаш имкониятини кенгайтириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Эҳтиёжманд аҳоли қатламини самарали ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни малакали ва сифатли тиббий хизматлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз ортга қайтмас тус олган ислоҳотларимизни изчил давом эттириш йўлида халқаро шериклар билан яқин ҳамкорлик учун доимо очиқмиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон Ҳиндистоннинг "Катта йигирматалик"даги раислигини ва унинг доирасида илгари сураётган устувор мақсад ва эзгу интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Учрашувимиз кун тартибига киритилган масалалар бўйича қуйидаги амалий таклифларни билдирмоқчиман.

Бугунги кунда мавжуд халқаро савдо тизимини такомиллаштиришимиз зарур. Буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу жараёнда "Глобал Жануб овози" албатта эътиборга олиниши керак — ривожланаётган мамлакатларнинг салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратилиши лозим.

Афсуски, асосий бозорларга чиқишда мамлакатларимиз ҳамон турли тўсиқ ва чекловларга дуч келмоқда.

Давлатларимиз саноат ва аграр соҳада катта салоҳиятга, йирик ички бозорларга эга эканини инобатга олиб, глобал даражада адолатли рақобат муҳитини яратиш масаласида умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Бундан ташқари, ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал логистика ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашиш масалалари жаҳон саммити кун тартибидан ўрин олиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир стратегик масала. Евроосиё минтақасидаги асосий транспорт артерияларидан бири бўлган "Шимол-Жануб" халқаро йўлагини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлни қуриш лойиҳасини фаол илгари сурмоқдамиз. Ҳамкорларимизни ушбу ўта муҳим лойиҳада иштирок этишга таклиф қиламиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, "яшил иқтисодиёт"га ўтиш шароитида тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги катта технологик фарқ ўсиб бормоқда.

Биз жаҳоннинг етакчи давлатлари кўмагида "Глобал Жануб" учун яшил технология ва инновациялар ахборот банкини яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Навбатдаги долзарб масала — инсон капиталини ривожлантириш ва профессионал таълим сифатини оширишдир. Биз Ҳиндистон билан таълим соҳасида ҳамкорлигимизни жадал олиб боришдан манфаатдормиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Инсон манфаатларига йўналтирилган тараққиёт заминида айнан ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш масаласи асосий ўрин эгаллаши лозим.

Иқтидорли ёшларимизни иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергетика, рақамлаштириш ва бошқа устувор соҳалардаги миллий ва халқаро дастурларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишимиз керак.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатларимиз ўртасида "Жануб ёшлари овози" доимий мулоқот платформасини ташкил этиш таклифини илгари сурмоқчиман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги кунда дунёда авж олаётган турли тўқнашувларнинг салбий оқибатлари биринчи галда ривожланаётган мамлакатларда сезилмоқда.

Ишончим комилки, қадрли биродарим Нарендра Моди таъбири билан айтганда, "Будда ва Ганди Ватани" бўлмиш Ҳиндистоннинг "Катта йигирматалик"даги раислиги доирасида глобал миқёсдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун янги-янги таклиф ва ғоялар дунё ҳамжамиятига тақдим этилади.

Ўзбекистон ҳам ушбу йўналишда илгари сураётган Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро мулоқот гуруҳини шакллантириш таклифини қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламан.

Ҳурматли дўстлар!

Биз Ҳиндистоннинг ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини халқаро миқёсда самарали ҳимоя қилиш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатларига ҳамиша кўмакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги барча таклиф ва ташаббуслар инсон манфаати ва барқарор тараққиёт мақсадларига хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрами — Республика куни билан чин дилдан самимий табриклайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

— Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни — қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз ўз олдимизга яқин келажакда инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатда камбағалликни икки баробарга қисқартириш каби катта режани қўйганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистоннинг G20га раислигини қўллаб-қувватлаб, кун тартибидаги масалалар юзасидан қатор амалий таклифларни илгари сурди.

Энг аввало, бугунги кунда мавжуд халқаро савдо тизимини "Глобал Жануб овози"ни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш таклиф қилинди.

Асосий бозорларга чиқишда ҳамон турли тўсиқ ва чекловларга дуч келаётган ривожланаётган мамлакатларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратилиши лозим.

Ривожланаётган давлатларнинг энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал логистика ва қўшимча қиймат занжирларини яратиш, инвестиция ва энг замонавий технологияларни жалб этишда кўмаклашиш масалалари жаҳон саммити кун тартибидан ўрин олиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Яна бир стратегик масала — "Шимол-Жануб" халқаро йўлаги доирасида Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган, Афғонистон орқали Ҳинд океанига чиқадиган темир йўлни қуриш лойиҳасини фаол илгари суриш. Ўзбекистон етакчиси ҳамкорларни ушбу муҳим лойиҳада иштирок этишга чақирди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, "яшил" иқтисодиётга ўтиш шароитида тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги катта технологик фарқ ўсиб бормоқда. Шу муносабат билан жаҳоннинг етакчи давлатлари кўмагида "Глобал Жануб" учун "яшил" технология ва инновациялар ахборот банкини яратиш таклиф қилинди.

Навбатдаги долзарб масала инсон капиталини ривожлантириш ва профессионал таълим сифатини ошириш экани кўрсатиб ўтилди.

— Иқтидорли ёшларимизни иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергетика, рақамлаштириш ва бошқа устувор соҳалардаги миллий ва халқаро дастурларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишимиз керак, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, "Жануб ёшлари овози" доимий мулоқот платформасини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Глобал миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон илгари сураётган Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро мулоқот гуруҳини шакллантириш таклифини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Онлайн-саммитда билдирилган таклиф ва ташаббуслар ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини илгари суришга, инсон манфаатига йўналтирилган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти дўст Ҳиндистон халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Республика куни билан самимий табриклади.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**Ниёзов Нодиржон Абдукаримович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катер командири ёрдамчиси

**Отошев Муроджон Жумязович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири

**Рузиев Бекзод Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бригада командири

**Эшонқулов Шахбоз Бекмахаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

**"Дўстлик" ордени билан**

**Гиляждинов Рафаэл Талгатович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бўлим бошлиғи

**Давлатов Иномжон Ғуломжон ўғли** — Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг тарбиявий ишлар бўйича биринчи ўринбосари

**Долбилина Наталия Геннадьевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази катта офицери

**Жаксимов Даулетмурат Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра бошлиғи

**Ортиков Акмалжон Кобулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

**Паизбеков Тимурлан Курбанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**II даражали "Саломатлик" ордени билан**

**Аллаёров Дилшод Эгамқулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Мирзакаримов Бахриддин Абдижалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқармаси тиббий таъминот хизмати бошлиғи

**Петрова Ольга Викторовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бўлим мудири

**"Жасорат" медали билан**

**Абдурахманов Фарход Фахритдинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

**Абдурахмонов Сарвар Абдунабиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири

**Ғайбуллаев Олмосбек Абдурахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Джалилов Анвар Химматиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири

**Жумамуратов Азим Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси бўлим сафдор ходими

**Махматкулов Шарифбек Умедуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи станция бошлиғи

**Тураев Алижон Марадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

**Улуғбоев Аббос Аҳмадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири

**Хошимов Дониёр Холикович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

**Шодиёров Голиб Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья катта техниги — йўриқчиси

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Бекмуратов Учқун Қиличович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряд командири

**Бердиев Жобир Махамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим катта техниги

**Бобоев Комил Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

**Болтабоев Рахмат** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси кафедра профессори

**Джойлиев Акрам Эргашевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряд инспектори

**Ёдгоров Абдуғани Жалилбой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ командирининг ўринбосари

**Жумаев Зоҳиджон Баротович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

**Жураев Алижон Абдиразоқович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

**Идиев Аскар Абдурашидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Исаков Хаёт Холматович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

**Исмаилов Раматжон Нуратдинович** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси

**Кенжаев Бунёд Эшболтаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Қорахонов Мансур Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Қурбонов Элёржон Зокиржонович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Маматов Дониёр Абдурахимович** — Наманган вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мураткабилов Рустам Бахрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ сафдор ходими

**Нурмуродов Асрор Эшдавлатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Расулов Иляс Рустамкулович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари

**Рахимов Мурод Жумабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

**Рўзиев Алишер Махмуд ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Умарова Барно Акбутаевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Утаев Акром Жўрақулович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Хайдаров Қаҳрамон Ўктамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бўлим бош мутахассиси

**Халиқов Убайдулла Хусанович** — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Хасанов Баходир Махсуджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

**Холматов Ойбек Хамидович** — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Ҳошимов Мухриддин Ўктам ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Шаропов Кахрамон Ходиевич** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Эшқобулов Асилбек Якубович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Эшонкулов Содикжон Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи

**Яров Илҳомжон Исломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командирининг ёрдамчиси

**"Шуҳрат" медали билан**

**Абдуқодиров Акбар Анвар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Аллаёров Очилди Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги батальон командири

**Ахматов Шахбозжон Шухратджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

**Балтаев Худайберди Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

**Жуманов Элёр Мухаммадович** — Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Ибрагимов Шухрат Жавлиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Термиз" халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича батальони назоратчиси

**Мадрахимов Давронбек Матяқубович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Олимова Иродахон Валижон қизи** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм телефон станцияси навбатчиси

**Садиков Хусан Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси батальон сафдор ходими

**Сатторов Мелс Нурали ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

**Тилавов Эркин Бурхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

**Тоҳиров Ҳамза Ҳакимович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими бош инспектори

**Тошпўлатов Шерали Журабаевич** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

**Тураева Лолахон Юлдашевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи бош ўқитувчиси

**Турумбаев Дауран Аитжанович** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари

**Умбетова Айгул Фархадовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм тиббиёт пункти фельдшери

**Хабибуллаев Асадулло Махсуд ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи радиостанция бошлиғи

**Холиков Равшан Номиродович** — Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Сирдарё тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

**Ҳамроев Суннатбек Шоймкул ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Чинов Фазлиддин Хусниддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Эргашев Садриддин Жўрабой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Эшонкулов Нуриддин Кулдошевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони секция командири

**Яхшиев Рўзимурод Ибодуллаевич** — Қашқадарё вилояти Божхона бошқармаси бўлим катта тезкор вакили

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2023 йил 12 январь*

*Моҳият*

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



## *алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолига оид қонунчилик асослари такомиллаштирилмоқда*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу янги қонун кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. Бунинг сабаби аниқ. Аввало, янги қонун билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича бир қатор янгиликлар киритилиши кутилмоқда. Хусусан, "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун ўз кучини йўқотиши назарда тутилган.

Янада муҳими, ушбу янги қонун билан унинг мақсади, қўлланиш соҳаси, ундаги асосий тушунчаларга аниқлик киритилмоқда. Тамаки маҳсулотларининг турлари ва уларнинг жумласига кирувчи маҳсулотларга аниқ таъриф берилмоқда.

Янги қонундаги яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда.

Бунда, энг асосийси, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, уларни алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, атрофдаги тамаки тутунининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсирини профилактика қилишнинг давлат томонидан кафолатланиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бунда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш ва ушбу шахслар томонидан реализация қилинишига, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнига ушбу шахсларни жалб этиш таъқиқланмоқда.

Шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органлар сафи кенгайтирилмоқда. Уларнинг соҳадаги ваколатлари аниқ белгиланмоқда.

Бундан ташқари алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек, тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг реализация қилинишига доир чекловлар киритилмоқда. Тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини реализация қилишни бевосита амалга ошираётган шахс йигирма бир ёшдан кичик кўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда эса, бу маҳсулотларнинг реализация қилинишини рад этиши шартлиги белгиланмоқда.

Қолаверса, аҳолини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари, шунингдек, уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида хабардор этиш масаласи алоҳида моддада кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар томонидан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилиши мумкинлиги белгиланмоқда. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириши зарур бўлади.

Шунингдек, янги қонунда алкоголь ёки никотинга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш тартиблари белгиланмоқда.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек, тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг ўралиши ва тамғаланишига доир талаблар ҳам киритилмоқда.

Шу билан бирга, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни, ушбу маҳсулотларнинг айланишини тартибга солиш билан боғлиқ бошқа бир қатор нормалар назарда тутилган.

Янги қонунни ишлаб чиқишда аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг соғлиғини сақлашдек долзарб мақсадлар кўзда тутилгани ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Одилжон ИМИНОВ,**
*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси*

*Шарҳ*

# Инсонпарварлик намунаси

## *қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ҳам намоён бўлмоқда*



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномалари туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Туманлараро маъмурий судлар эса, фақат вилоят марказларида жойлашган.

Бошқача айтганда, туманлараро маъмурий судлар ҳудудлар географик жойлашуви бўйича бир-биридан узоқда жойлашгани ва ички ишлар органлари ходими мазкур иш билан шуғулланиши давомида ўз хизмат жойини узоқ муддат бўш қолдираётгани туфайли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш амалиётини фуқароларга қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келганди.

Бинобарин, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишга доир нормалари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, тегишли ишларни кўриб чиқиш эса, маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларига ўтказилди.

Айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги боби $313^{6}$-$313^{9}$-моддаларни ўз ичига олади. Ушбу моддалар талабига кўра, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказига жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи томонидан тақдим этилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга ёзма шаклда берилади ва ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Илтимосномада суд ва ички ишлар органининг номи, манзили, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс ҳақидаги маълумотлар, илтимосномага асос бўлган ҳолатлар, илтимосноманинг асосларини тасдиқловчи далиллар ҳамда илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилиши керак.

Илтимосномага:

- тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган қарор;
- муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг мамлакатимиздаги охирги яшаш жойини текшириш натижалари;
- ўша шахснинг тушунтириши ёки тушунтириш бериш рад этилгани тўғрисида далолатнома;
- шахсни тиббий кўрикдан ўтказиш маълумотномаси;
- шахснинг ҳуқуқлари, шу жумладан, адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ўз яқинларига телефон орқали қўнғироқ қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома;
- илтимосномани асословчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилган пайтдан эътиборан 24 соат ичида судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган шахс ва ички ишлар органининг вакили суд мажлисида иштирок этиши шарт. Шунингдек, суд мажлисида адвокат ҳам иштирок этиши мумкин.

Судда илтимосномани кўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлиги ва жойлаштириш муддати асослаб бериладиган маърузаси билан бошланади. Сўнгра ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган шахс, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокат, судга келган бошқа шахсларнинг фикри эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади.

Қарор судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади. У ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Қарор ички ишлар органи вакили, адвокат ва ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга топширилади. Қарор устидан уч кун ичида ўша шахс, унинг қонуний вакили ва адвокат апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса, апелляция протести келтириши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг судьяси қарор устидан берилган шикоят ё протестни у келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида якка тартибда кўриб чиқади.

Умуман олганда, қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар амалиётда қулайлик яратиб, инсонпарварликнинг амалдаги ёрқин намунаси ҳисобланади.

**Баҳромжон БЕРДИЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси*

**Парламент фаолияти**

# Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги қонун лойиҳаси юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (хизматлар)ни истеъмол кредити орқали харид қилиш имкониятини яратиш баробарида глобал бозорда ўсаётган рақобат шароитида мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг инновацион ривожланиш моделига тезкор ўтиши, янги ғоялар ва технологияларни тадбиқ этишга ёрдам беради.

### *Ўқитувчиларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жавобгарлик янада кучайтирилмоқда*

Мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, айниқса, таълим муассасалари ходимларини ўз хизмат вазифаларидан бошқа ишларга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари, уларни рўёбга чиқариш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 14 августдаги тегишли қарорига мувофиқ, халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, шунингдек, бошқа турдаги ишларга жалб қилиш таъқиқланган. Аммо педагогларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.



Бу каби нотўғри амалиётнинг шаклланганини мактабларда педагогларнинг таълим бериш жараёнларига тўлиқ тайёрланиш, ўқувчиларга сифатли таълим бериш ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

**"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига таълим муассасасининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси таълим муассасасининг педагог ходимини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни янада кучайтириш баробарида, жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***Парламент Ахборот маркази***

*Фаолият мезони*

# Сайёр судлар: очиқлик ва ошкораликнинг амалий ифодаси




◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқроқ айтганда, ушбу ислоҳатлардан кўзланган асосий мақсад — суд тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришишдир.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июнда Тошкент шаҳрида судьялар билан бўлиб ўтган тарихий учрашувида бу борада дастлабки қадам қўйилганди. Мазкур тадбирда давлатимиз раҳбари амалий ташаббуслар асосида суд идоралари, судьялар фаолиятини бутунлай янгича асосда, самарали ташкил этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, фуқароларнинг суд идораларида сарсон-саргардон бўлишига чек қўйиш зарурлиги уқтирилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги ишларни маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд мажлисларида кўриш кўламини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, уларнинг ҳар бири бўйича аниқ тавсия ва амалий кўрсатмалар берилди.

Ушбу устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилояти судлари томонидан мунтазам равишда сайёр суд мажлислари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2022 йил 9 ойи давомида вилоят судлари томонидан 41 минг 364 та иш сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган. Жумладан, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ушбу даврда 38 минг 147 нафар шахсга нисбатан 30 минг 989 та жиноят ва маъмурий ишлар кўрилган. Шундан 7 минг 287 таси сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Сайёр судларда кўрилган ишларнинг 1 минг 200 тасини транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ўғрилик, безорилик каби жиноят ишлари, 6 минг 87 тасини савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, солиқ қонунчилиги, йўловчи ташиш фалияти билан лицензиясиз шуғулланиш каби маъмурий ишлар ташкил қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2022 йилнинг 9 ойида 49 минг 324 та иш кўрилган бўлиб, шунинг 26 минг 999 таси никоҳдан ажратиш, яраштириш, кредит, алимент қарздорликларини ундириш, мерос масалаларига оиддир. Сайёр суд мажлисларида кўрилган ишларнинг 3 минг 270 таси тарафларни ўзаро келиштириш ҳамда яраштириш йўли билан ҳал этилган.

Иқтисодий судлар томонидан 2022 йилнинг 9 ойида 13 минг 239 та иқтисодий иш мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Шундан 7 минг 78 та иш сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Сайёр суд мажлисларида 514 нафар шахс Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган. Яна 299 нафар шахснинг жазо тури енгилроғи билан алмаштирилган.

Мисол учун жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан "Оби ҳаёт" маҳалласида ўтказилган сайёр суд мажлисида Жиноят кодексининг 105-моддаси, 1-қисми, яъни қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган шахснинг қилмиши кўриб чиқилди.

Аниқроқ айтганда, 1998 йилда туғилган А.Тўрамирзаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) таниши У.Эгамбердиева билан ўзаро жанжаллашиб, уни уриши ва тепиши оқибатида соғлигини бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир тан жароҳати етказган. Сайёр суд мажлисида томонларнинг ярашгани, айбланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги ва моддий зарарни қоплагани боис А.Тўрамирзаев жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Бу каби ишларнинг сайёр суд тартибида кўриб чиқилиши аввало жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, сайёр суд мажлислари бу борадаги ҳуқуқбузарликлардан аҳолини огоҳ этиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Маълумки, Жиноят кодексининг 73-моддасида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, 74-моддасида жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби белгиланган. Ушбу қонун талабларига кўра, жазодан озод қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган ҳамда жазонинг белгиланган қисмини ўтаган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Жиноят ишлари бўйича Поп тумани суди томонидан Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти 2-минтақавий ҳудуд 6-сонли жазони ижро этиш колониясида ўтказилган сайёр суд мажлисида суд томонидан тайинланган жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб, тузалиш йўлига ўтган 30 нафар маҳкумнинг иши кўриб чиқилди. Уларнинг 3 нафари, Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

Шунингдек, сайёр суд мажлисида 5 нафар маҳкумнинг ўталмай қолган жазоси Жиноят кодексининг 74-моддасига кўра, енгилроқ жазо билан алмаштирилиб, жазони ижро этиш колониясидан озод қилинди. Яна 22 нафар маҳкумга нисбатан, Жиноят-ижроия кодексининг 113-моддасига асосан, ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил колонияларда ўташи белгиланиб, инсонпарварлик тамойиллари қўлланилди.

Сайёр суд мажлиси — судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини намоён қилади. Шу билан бирга, бу ишларни кўришда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, қонунлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фуқароларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш, қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ва амалий шакли ҳамдир.

Зеро, сайёр суд мажлисларида қонунни бузган шахсларни оммавий муҳокама қилиш орқали жамиятда қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан муросасизлик маданияти шакллантирилади.

Жамиятимизда шахсни тарбиялаш орқали соғлом муҳит яратиш вазифаси нафақат судлар, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини унутмаслик лозим. Ўтказилаётган сайёр суд мажлислари айни жиҳатдан муҳим тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

**Адҳамжон МИРЗАЕВ,**
*Наманган вилояти суди раиси ўринбосари*



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

— Президентимизнинг айнан шундай қатъий ва оқилона сиёсати туфайли, пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, 2022 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш бўйича ислоҳотлар изчил давом этди.

Албатта, **"Якунига етган 2022 йил бўйича жаҳон миқёсида бу борадаги аҳвол қандай?"** — деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, пандемия оқибатларини тўлиқ бартараф этишга улгурмасдан, жаҳон минтақаларида рўй бераётган можаролар янги глобал инқирознинг бошланишига олиб келди.

Сайёрамизнинг турли ҳудудларида озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия ва ўғитларга нарх-навонинг кескин ошиб кетишидан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар катта зарар кўрмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, можаролар алангаси **"тенгсизлик, ночорлик ва молиялаштиришдаги етишмовчиликлар билан янада авж олаяпти".**

Бундан ҳам ачинарлиси, ўтган йили 1.2 миллиард аҳоли яшайдиган 74 та ривожланаётган мамлакатдаги инқироз оқибатида инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ аҳвол кескин ёмонлашди. Шундай мураккаб ва синовли даврда Ўзбекистон учун муҳим бўлган қатор тадбирлар амалга оширилгани ва ўз самараларини бергани диққатга лойиқдир.

***— Шу амалий тадбирлардан айримларини санаб ўтсангиз?***

— ***Биринчидан,*** аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмлар татбиқ этилди. Шу орқали қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимизни қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш, қийноқларнинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш каби йўналишларда ижобий натижаларга эришилди.

***Иккинчидан,*** Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг раис ўринбосарлигига сайланди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга биринчи даражали аҳамият берилди.

***Учинчидан,*** 2021-2022 йилларда қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари каби рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича муайян ютуқлар қўлга киритилди. Умуман олганда, 2022 йилда жами 24 та рейтингнинг 15 тасида Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди, 3 тасида илк маротаба эътироф этилди.

***Тўртинчидан,*** 2023 йилда айни йўналишдаги ислоҳотлар самарадорлигини изчил ошириш тақозо этилади. Нега деганда, сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилганимизга қарамай, Президентимиз таъбири билан айтганда, **"одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда".**

***— Ушбу соҳани такомиллаштиришга оид энг муҳим чора-тадбирлар ҳам Миллий марказ томонидан ижроси мунтазам мониторинг қилиб борилаётган дастурий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида ўз аксини топган, шундай эмасми?***

— Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган мазкур Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг 78 бандидан 62 бандидаги ишлар ижро муддати доирасида якунланди. Яъни, бугунги кунга қадар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида белгиланган вазифаларнинг 85 фоизи бажарилган.

Айниқса, 2022 йилда Миллий стратегия доирасида 1 та кодекс, 1 та қонун, Президентимизнинг 5 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори қабул қилингани ҳамда 1 та халқаро шартнома ратификация қилиниб, уларнинг илғор нормалари ҳаётимизнинг турли соҳаларида аллақачон қўлланаётгани жуда ҳам муҳим. Миллий стратегия "Йўл харитаси" билан белгиланган бандларнинг бажарилиши суръатлари, шубҳасиз, ушбу дастуриламал ҳужжатда кўрсатилган долзарб вазифалар ижросининг умумий ҳолатини ижобий баҳолашга имкон беради.

***— Мониторинг асносида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни бажариш борасида қандайдир муаммо ва камчиликлар ҳам аниқландими?***

— Миллий стратегияни амалга оширишдаги ютуқларни эътироф этган ҳолда, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганидан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, Миллий стратегия "Йўл харитаси"нинг 6 та банди бўйича ижро муддати узайтирилган. Содда қилиб айтганда, Миллий стратегия доирасидаги тадбирларни амалга ошириш муддатларининг чўзиб юборилиши ҳолатлари мавжуд.

***Биринчидан,*** Миллий стратегияда белгиланган "Оммавий тадбирлар", "Судьялар ҳамжамияти органлари", "Хусусийлаштириш", "Ижтимоий тадбиркорлик", "Мажбурий тиббий суғурта", "Давлат ижтимоий суғуртаси", "Адвокатура ва адвокатлик фаолияти", "Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисида"ги, "Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари якунланган бўлса-да, улар ҳалигача қабул қилинмаган. Шунингдек, Ахборот кодекси ва Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳаларини тайёрлашда белгиланган муддатларга амал қилинмаган.

***Иккинчидан,*** Миллий стратегия "Йўл харитаси"нинг қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ айрим бандлари юзасидан қонун лойиҳалари лозим даражада тайёрланмагани учун Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган. Жумладан, Уй-жой кодексининг янги таҳрири, "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги ҳамда "Ижтимоий тадбиркорлик асослари тўғрисида"ги қонунлар илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ҳуқуқшунос олимлар фикрларини чуқур таҳлил этган ҳолда такомиллаштириш учун қайтарилган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг қонун талаблари ва инсон ҳуқуқларига қатъий амал қилинишини таъминлашга қаратилган фикрлари ниҳоятда долзарб ва улкан аҳамиятга эга. Президентимиз Мурожаатномада илгари сурилган бу борадаги барча ташаббусларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозимлигига эътибор қаратгани бежиз эмас.

***— Мурожаатномада илгари сурилган қонун устуворлиги ҳамда адолат тамойилларини қарор топтиришга оид ташаббусларнинг мазмун-моҳиятига ҳам мухтасар тўхталсангиз.***

— Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда адолат тамойилларини қарор топтириш ҳуқуқий, демократик ва халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарурий шартидир. Шу боис суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Конституциямиз принципларига таяниб, суд ҳокимияти мустақиллиги, суд жараёни ва жазонинг адолатлилиги ва инсонпарварлигини таъминлаш, адолатли суд қарорларини қабул қилиш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда.

Судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлаш, "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳаларини кенгайтириш, судлов очиқлигини таъминлаш, айрим ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан жиноят қонунчилигини демократлаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш, тергов сифатини ошириш, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолишига чек қўйиш каби ечимини кутаётган кўплаб масалалар бор. Шу мақсадда Мурожаатномага кўра:

- адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳамда масъулиятини янада ошириш;
- тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказиш;
- тергов сифатини ошириш ва тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлашини таъминлаш;
- судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпусини шакллантириш, уларни махсус ўқитиш;
- одил судловни таъминлашда ҳимоячининг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, хусусан, адвокатга жиноят иши қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан нусха берилишини таъминлаш ва судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилиниши тартибини белгилаш;
- маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда — бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиётини жорий қилиш каби ташаббусларни Конституциямизда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Энг муҳими, бундан буён **"Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади",** деган ғоя ҳаётга татбиқ этилишида кенг жамоатчилик, айниқса, барча депутатлар ва сенаторлар фаол бўлиши даркор.

***— Президентимиз тараққиётимиз кушандаси бўлмиш коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганини алоҳида таъкидлар экан, бу борада ҳам ғоят муҳим вазифаларни белгилаб бердилар...***

— Жуда тўғри, ўтган икки йилнинг ўзида 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилган. Аёнки, бунда айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билангина чекланиб қолинмаяпти.

Бу борада тизимли превентив чоралар кўрилмоқда. Яъни жиноятчиликнинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан амалиёт қўлланмоқда.

Коррупцияга қарши кураш борасида ҳар бир вазир ва ташкилот раҳбарининг ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича шахсий жавобгарлигини ошириш зарур. Мурожаатномада сунъий монополия, ёпиқ схемалар, умуман, коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам бериш каби амалий таъсирчан чоралар истиқболли долзарб масалалар сифатида қайд этилди.

Айниқса, депутат ва сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар аниқ соҳаларни тизимли таҳлил қилиши, ўз округидаги бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган қурилишлар, ижтимоий ва иқтисодий лойиҳалар бажарилиши мониторингини кучайтириши коррупцияни бартараф этишнинг муҳим омилидир. Шу нуқтаи назардан, коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилиши белгилангани катта аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, **"Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди".**

***— Ўтган йили Миллий марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши борасида қандай ишлар амалга оширилди?***

— Бу йўналишда, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини тайёрлаш ва БМТнинг шартномавий қўмиталарида кўриб чиқиш натижаларини депутатлар ва сенаторлар томонидан мунтазам эшитиб бориш, шартномавий қўмиталарнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаларини Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланиши амалиёти такомиллашганига эътибор қаратиш лозим. Ушбу илғор демократик ҳуқуқий жараён жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Ўтган йилда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан мамлакатимизнинг 3 та миллий маърузаси БМТ шартномавий қўмиталарида эшитилди:

***биринчиси*** — БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Олтинчи миллий маърузаси;

***иккинчиси*** — Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни бажариш бўйича Учинчи миллий маъруза;

***учинчиси*** — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Бешинчи миллий маъруза.

Миллий маърузалар муҳокамасида илк бор Марказ томонидан ўндан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотининг он-лайн иштироки таъминланди. Миллий маърузалар бўйича якуний мулоҳазаларда ўз ифодасини топган тавсияларни амалга ошириш учун Миллий ҳаракатлар режаларининг лойиҳалари манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясига тақдим қилинди.

***— Шу масъулиятли ишлар ўзининг қандай амалий натижаларини бермоқда?***

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенати Кенгашларининг бу борадаги тегишли қўшма қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларга мувофиқ:

***биринчидан,*** "2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси" тасдиқланди. Миллий ҳаракатлар режаси уч йил давомида амалга ошириладиган 69 та чора-тадбирни ўз ичига олган;

***иккинчидан,*** "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг амалга оширилиши тўғрисидаги Учинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда кўзда тутилган 34 та чора-тадбир беш йил давомида амалга оширилади;

***учинчидан,*** "2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси" тасдиқланди. Мазкур Миллий ҳаракатлар режаси 43 та муҳим чора-тадбирни ўзида қамраган.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши тўғрисидаги Бешинчи миллий маърузасини кўриб чиқиш якунлари юзасидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини амалга оширишга оид Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Тез орада уни ҳам тасдиқлаш ва ижрога қаратиш жараёнлари бошланади.

Ушбу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат — БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачиси тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасидир. Айни лойиҳа халқаро ҳужжатларга қўшилиш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий асосларни, суд тизимини мустаҳкамлаш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, қочоқлар мақоми, репатриация ва реинтеграция каби йўналишлар доирасида тайёрланган.

Лойиҳани ишлаб чиқишда Адлия, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Молия, Мудофаа вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизматининг фикр-мулоҳазалари инобатга олинди. Шунингдек, Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий бўлинмасига экспертиза учун юборилди.

***— 2022 йилда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида Миллий марказ томонидан нималар қилинди?***

— Ўтган йилда бу борада қабул қилинган қонунларнинг ҳудудлардаги ижросини мониторинг қилиш алоҳида эътиборимизда турди. Айни йўналишда муайян натижаларга эришилгани ва айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани аниқланди.

Масалан, 2022 йил май ойида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши ҳолати мониторинг қилинди. Мониторинг ўтказиш мақсадида 30 га яқин давлат органи ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига тегишли саволномалар юборилди.

Мониторинг натижасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар аниқланди. Хусусан:

- ногиронлиги бўлган шахсларга давлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг салоҳиятли ходимлари сифатида эмас, балки асосан хайрия ва реабилитация ёрдамини олувчилар сифатида қараш сақланиб қолмоқда;
- ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари йўлга қўйилмаган;
- ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунарга ўқитиш тизими самарали ишламаяпти;
- олий таълим муассасалари ва мактаблар бинолари ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаракатланиши учун қулай эмас;
- таълим муассасаларида Брайл алифбосидаги дарсликлар етишмайди;

Мониторинг хулосаларига асосан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун қуйидагилар тавсия этилди:

***биринчидан,*** "Қулай жисмоний муҳит" Давлат дастурини ишлаб чиқиш;

***иккинчидан,*** олий ўқув юртларида инклюзив таълим ва қулай жисмоний муҳит масалалари бўйича жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш;

***учинчидан,*** БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Биринчи миллий маърузасини тақдим қилиш;

***тўртинчидан***, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш амалиётини кенгайтириш лозим.

Бу борада, юқорида қайд этганимдек, Парламент палаталари Кенгашларининг 2022 йил 19 декабрдаги қўшма қарори билан **Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқлангани** жуда мақбул иш бўлди. Эндиликда ушбу ҳужжат негизида ҳам айни соҳадаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган ишлар натижадорлигини изчил кузатиб борамиз.

***— Миллий марказнинг шу соҳадаги фаолиятига яна мисоллар келтира оласизми?***

— Миллий марказ томонидан 2022 йил 13-14 октябрь кунлари Тошкент вилояти ва 20-21 октябрь кунлари Фарғона вилоятида Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижроси ўрганилди. Натижада ушбу вилоятларда ҳам айни йўнлишда айрим камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Жумладан, мутасадди кадрларнинг малакасини ошириш, фуқароларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаган. Тошкент вилоятида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилгани тўғрисидаги мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилмаган, жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирлари самараси паст. Фарғона вилоятида эса, ваколатли органлар ва ташкилотлар ўртасида хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тезкор ахборот алмашиниш тизими йўлга қўйилмаган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга оид таклифларимизни тақдим этдик. Жумладан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга психологик, ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий ёрдамни кенгайтириш мақсадида барча туманларда "Ижтимоий мослашув маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш тавсия қилинмоқда.

Бундан ташқари ўтган йили жазони ижро этиш муассасаларида суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш бўйича мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, 26-27 апрель кунлари Тошкент вилоятида ҳамда 24-27 октябрь кунлари Навоий вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида мониторинг ўтказилди.

Мазкур тадбирлар давомида, айниқса, пенсия ёшидаги, ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз бўлган маҳкумлар учун яратилган шароитлар яқиндан ўрганилди. Жумладан, маҳкумларнинг даволаниши, дам олиши, озиқ-овқатининг сифати, меҳнат шароитлари билан боғлиқ масалалар ўрганилганда, айрим муаммо ва камчиликлар аниқланди.

Ушбу муассасалардаги ишлаб чиқариш бинолари, ишлаб чиқариш цехларидаги дастгоҳлар жисмонан ва маънавий эскирган бўлиб, уларни янгилаш зарур. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — "lex.uz", шунингдек, "advice.uz" ҳуқуқий ахборот порталидан фойдаланган ҳолда, маҳкумларга керакли ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш имкониятини яратиш лозим, деган фикрдамиз.

# — 2022 ЙИЛДА:

## *сарҳисоб ва истиқболдаги режалар*

***— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилишнинг яна қандай жиҳатлари бор?***

— Айни вақтда Миллий марказ томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизадан ўтказилмоқда. Агар 2021 йилда 104 та норматив ҳуқуқий-ҳужжат лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич 95 тани ташкил этди.

Жумладан, 2022 йилда Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Фуқаролик-процессуал, Иқтисодий-процессуал, Оила, Солиқ, Маъмурий суд ишларини юритиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи 22 та қонун лойиҳаси ҳамда Жазони ижро этиш кодекси лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган.

Яна бир жиҳат: "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасига Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро шартномалардаги халқаро мажбуриятлардан келиб чиқиб тайёрланган хулосаси тақдим этилди. Хулоса мазкур Конституциявий қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан тайёрланган.

Бу саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ҳам, аҳамияти ҳам катта, албатта. Бинобарин, Президентимиз ибораси билан айтганда, **"маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак".**

***— Конституциявий ислоҳот ва инсон ҳуқуқлари — суҳбатимизни шу муҳим мавзу доирасида давом эттирсак деган фикрдаман?***

— Бугунги кунда мамлакатимизда конституциявий ислоҳот изчил давом этмоқда ва ушбу муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив заруратдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" фундаментал муаллифлик монографиясида бу борадаги иккита муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Биринчи муҳим масала: **"Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — конституциявий ислоҳотларнинг ажралмас қисми бўлиб, бир қатор давлатларнинг Конституцияларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий шартномалардаги нормалар ўз аксини топган".**

Иккинчи муҳим масала: **"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини мустаҳкамлаш мақсадида Конституцияда болалар меҳнатига барҳам бериш, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини мустаҳкамлаб қўйиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақоми ва ваколатлари тўғрисидаги қоидалар ўз аксини топиши керак".**

Ҳақиқатан ҳам, жадал ўзгариб бораётган замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун, албатта, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мос хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилинади. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган янги конституциявий принцип ва нормаларни белгилаш, аввало, **"Инсон қадри учун"** устувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишни тақозо этади.

Энг асосийси, Президентимиз таъкидлаганидек, **"Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат"** деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилаётгани Мурожаатномада алоҳида қайд этилгани бежиз эмас. Негаки, ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Поёнига етган йилда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва экспертлар, фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида **Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларнинг турли жабҳаларига бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва 40 дан ортиқ халқаро форум ва жамоатчилик маслаҳатлашувлари ўтказилди.**

***— Ушбу миллий ва халқаро тадбирларнинг амалий аҳамияти нимада, деб ҳисоблайсиз?***

— Шу жараёнларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар ва уларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ўрни бўйича таклифлар илгари сурилди. Хусусан:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ривожланиш дастурларини кенгайтириш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яхшилаш;
- жамиятда сўз ва фикр эркинлиги учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш;
- фуқаролик жамияти институтларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;
- давлатлар ва минтақаларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи минтақавий механизмларни яратиш, бу соҳада мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш;
- референдумда фуқаролик жамияти институтлари, халқаро кузатувчилар, сайловчиларнинг инклюзив иштирокини рағбатлантиришга оид амалий таклифлар шулар жумласидандир.

***— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш борасидаги халқаро тажриба ва миллий амалиёт хусусида ҳам маълумот берсангиз?***

— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсон ҳуқуқларини бутун дунё миқёсида қўллаб-қувватлаш ва барчанинг инсон ҳуқуқларига риоя этишига эришиш борасида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида қайд этилганидек, **"Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, иркий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак".**

***— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг моҳиятини таърифлаб берсангиз?***

— Бу ҳақда фикр юритганда, хусусан:

***биринчидан,*** барча инсонлар инсон ҳуқуқлари ўзи нима экани, бу ҳуқуқлар қандай кафолатланиши ёки таъминланиши ҳақида етарлича билим олиши лозим;

***иккинчидан,*** инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсон ҳуқуқларига оид қадриятларга мос ва мувофиқ ҳолда амалга оширилишига ҳамда бу соҳадаги таълимнинг нафақат жараёни, балки мазмун-моҳияти ҳам жуда муҳимлигига жиддий эътибор қаратиш керак;

***учинчидан,*** инсон ҳуқуқлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш, ўз навбатида, таълим олаётган шахсларга инсон ҳуқуқларига оид қадриятларни ўз ҳаётида қўллаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини мустақил равишда ёки жамоатчилик билан биргаликда рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун жуда қўл келишини унутмаслик зарур.

***— Бу борада Самарқанд Глобал форуми қандай ўрин тутди?***

— Маълумки, 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" мавзусидаги Глобал форум бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли халқаро анжуманни ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилганди.

Глобал форумда 120 нафардан ортиқ халқаро эксперт ва 2 мингдан зиёд миллий мутахассис иштирок этди. Иштирокчилар томонидан кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни такомиллаштириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани эътироф этилди.

Самарқанд Глобал форуми, бир томондан, башарият тарихида илк бор инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини эълон қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини нишонлашга қаратилган **"Қадр-қиммат, эркинлик ва адолат — ҳамма учун"** кампаниясини бошлаб берди. Шу билан бирга, Глобал форум **БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси**нинг 11 йиллигига бағишланган тадбирларнинг дебочаси бўлди.

Глобал форум якунида қабул қилинган **Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни амалга ошириш бўйича Самарқанд Ҳаракатлар режаси** форум иштирокчиларининг фикрича, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурини амалга ошириш ишига қўшилган катта ҳисса бўлди. Бинобарин, Жаҳон таълим дастурининг ўзи — Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияни тўлдирувчи глобал Ҳаракатлар режаси, деганидир.

***— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг бешта босқичи, деганда нималарни тушунмоқ керак?***

— Ўтган даврда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг кетма-кет **учта босқичи** изчиллик билан амалга оширилди. Ўз навбатида, 2020 йилда бошланган **тўртинчи босқич** 2024 йилда ниҳоясига етади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2022 йил 6 октябрдаги Резолюциясида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга оширишга масъул тегишли манфаатдор томонларнинг бу борадаги ижобий ташаббуслари алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичида амалга ошириладиган ишлар юзасидан таклифларни шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Резолюцияда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармасига БМТнинг барча тузилмалари, давлатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва манфаатдор томонларнинг айни мавзудаги фикр-мулоҳазаларини сўраб олиш тавсия этилди. Шу маънода, "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" мавзусидаги Глобал форумда, жумладан, Жаҳон таълим дастури бешинчи босқичи бўйича таклифларнинг муҳокама қилингани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга оид миллий амалиётга яна иккита ихчам далил келтираман.

**Биринчи далил** — бугунги кунда Марказда инсон ҳуқуқлари соҳасида электрон курсларини жорий қилиш мақсадида электрон платформани ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Электрон платформада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича материаллар жойлаштирилади.

**Иккинчи далил** — 2022 йил давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган 40 дан зиёд амалий қўлланма, шарҳ ва услубий адабиётлар нашр этилди. Ушбу китоблар Миллий марказ томонидан 80 дан ортиқ давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилотларига беғараз тарқатилди.






***— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида 2022 йилда Сиз раҳбарлик қилаётган Миллий марказда қандай ишлар амалга оширилди?***

— Халқаро ҳамкорлик алоқалари турли шаклларда амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга қўшилиш ва уларни ратификация қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда икки томонлама тадбирларни ташкил қилиш, меморандумлар имзолаш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалаларини ўрганиш бўйича мониторинглар ўтказиш шулар жумласидандир.

Даставвал, халқаро ҳамкорлигимиз маҳсули ҳисобланувчи қуйидаги тўртта амалий-ҳуқуқий қадамга эътиборингизни қаратаман.

***Биринчидан,*** Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йилдаги 75-сессиясида билдирган таклифга мувофиқ, 2022 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **"Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"**ги резолюция бир овоздан маъқулланди.

Резолюцияда COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасликни таъминлашда парламентларнинг муҳим ўрни қайд этилган. Жумладан, унда хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ҳамда парламент жараёнларида тўлиқ, тенг ҳуқуқли ва таъсирчан иштирокига кўмаклашиш орқали Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришга эътибор қаратилди.

***Иккинчидан,*** ёшлар ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларини амалга ошириш мақсадида қатор халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар, маслаҳатлашувлар ташкил қилинди. Хусусан, 2022 йил 4 октябрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 51-сессиясида "Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари" резолюцияси қабул қилинди.

Ушбу Резолюция 41 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган. Унда ёшларнинг ўз мамлакатлари ривожланишидаги иштирокини кенгайтириш, навқирон авлод учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларни рақамли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ташаббусларни илгари суриш, ёшларнинг ўз ҳаёт тарзига таъсир ўтказадиган қарорларни қабул қилишда қатнашиши каби масалалар ўз ифодасини топди.

***Учинчидан,*** 2022 йил 7 февралда Халқаро меҳнат ташкилотининг Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли конвенцияси ратификация қилинди. Конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

***Тўртинчидан,*** болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашни бошқа шаклларининг халқаро тартиби тўғрисидаги Гаага конвенциясига Ўзбекистон Республикаси қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиш бўйича қонун лойиҳасини белгиланган тартибда келишиш жараёнлари бормоқда.

***— Бу борада эришилган яна қандай натижаларга тўхталмоқчисиз?***

— Хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик меморандумлари тузилган. Ушбу меморандумларни 2023 йилда янгилаш ва янада кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ҳамкорлик меморандумларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш йўналишидаги фаолиятни биргаликда қўллаб-қувватлаш, мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма ўқувлар ва семинарлар, илмий тадқиқотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида халқаро ва минтақавий механизмларда ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Ўтган йили хорижий мамлакатларда Ўзбекистон фуқаролари, жумладан, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилингани ҳолатини ўрганиш мақсадида мониторинг ташрифлари ҳам амалга оширилди.

Хусусан, Россия, Туркия ва Қозоғистонга мониторинг ташрифлари асносида ушбу мамлакатларда яшаётган ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон фуқаролари билан учрашувлар ташкил қилиниб, ўзбекистонлик мигрантлардан таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминланиш, моддий ёрдам, фуқароликни расмийлаштириш каби масалаларда мурожаатлар қабул қилиб олинди. Ўзбекистонлик мигрантларнинг айрим муаммолари жойида тезкор ҳал қилинди.

***— 2023 йилдаги режалар қандай?***

— Ўтган йили жаҳон миқёсидаги иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, COVID-19 пандемияси ва иқлим ўзгариши оқибатлари, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидларга қарамасдан, Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Бунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор нуфузли ва самарадор тадбирлар амалга оширилгани улкан аҳамиятга эга бўлди.

Ютуқлар — ўзимизники. Жорий йилда уларнинг салмоғини янада оширишимиз даркор.

Бу борада 2023 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури қабул қилинганининг 30 йиллиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг нишонланиши, албатта, биз учун қулай имкониятлар яратади.

Яъни шу муҳим оламшумул воқеликлар билан боғлиқ ҳолда, халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар ўтказамиз, инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларимизни янада такомиллаштирамиз. Шунингдек, аҳоли, ёшлар ва болалар учун Инсон ҳуқуқларига оид дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлаш ўзига хос долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

***— Ушбу режаларни амалга оширишга оид амалий таклифларингиз борми?***

— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тавсияларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни самарали бажариш амалиётимизга жорий йилда ҳам содиқ қолишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, жумладан:

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- Ахборот кодекси ва Соғлиқни сақлаш кодекси қабул қилинишини жадаллаштириш;
- "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш;
- таълимга оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириб, Таълим кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий объектлар, маданий-кўнгилочар ташкилотлар ва спорт иншоотларидан ногиронларнинг фойдаланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, пиёдалар йўлаклари, йўловчилар учун бекатлар ва пиёдалар ўтиш жойларида овоз ва ёритиш мосламаларини ўрнатишни тартибга солиш чора-тадбирларини назарда тутувчи "Қулай жисмоний муҳит" давлат дастурини тасдиқлаш;
- етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни деинституционализация қилиш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда "Етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитаси тавсиясига асосан "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунга "оиладаги зўравонлик" тушунчасини киритиш ва оиладаги зўравонлик учун алоҳида жиноят таркиби сифатида жавобгарлик белгилаш;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг 1981 йилги Оилавий масъулияти бор ишчилар тўғрисидаги (156-сон) конвенциясини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш;
- хусусий компаниялар фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш асослари тўғрисида хабардорликни ошириш учун ахборот кампаниясини ҳамда тадбиркорлар учун тегишли ўқув курсларини ташкил қилиш;
- БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятининг дастуриламал тамойиллари"ни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини қабул қилиш;
- суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни қўллаш амалиётини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга оид таклифларимиз рўёбга чиқиши учун астойдил саъй-ҳаракат қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч ким четдан келиб, бизга бу ишларни ҳал қилиб бермайди. Бунда биз юртдошларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятига таянамиз. Президентимиз таъкидлаганидек, **"Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн карра, юз карра бўлиб қайтади".**

**Ғулом Мирзо суҳбатлашди.**

*Тарих тилсимлари*

# БЕБАҲО ХАЗИНА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Темурийлар саройи анъаналари таъсирида улғайган Ҳусайн Бойқаро нафақат машҳур сиёсий арбоб, моҳир саркарда, балки ўткир идрокли шахс, фан ва маданият ҳомийси бўлиб етишди. Унинг бошқаруви даврида Ҳирот шарқнинг энг обод, барқарор ва бетакрор маданият марказларидан бирига айланди. Ўша даврнинг меъморий обидалари, адабиёт, ҳатотлик ва тасвирий санъат асарлари нафақат Темурийлар даври, балки дунё бадиий маданияти хазинасидан жой олди.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида Ҳиротда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий, шоир Абдураҳмон Жомий, Шарқ миниатюра санъати атоқли вакили Камолиддин Беҳзод, хушнавис ҳаттот Султон Али Машҳадий сингари машҳур инсонлар ижод қилишган. Ана шу туфайли саройда ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашга қаратилган маънавий муҳит шаклланган.

Ҳусайн Бойқаро XV аср адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири саналади. У бадиий ижодда "Ҳусайний" тахаллусини қўллаган. Унинг даврида икки тилда ижод қилиш — "зуллисонайнлик" анъанаси тараққий этди.

Алишер Навоийнинг таъкидлашича, Ҳусайн Бойқоро эски ўзбек тилининг тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг ривожи учун қатор чора-тадбирларни амалга оширган. Ҳусайн Бойқоро асосан туркийда "Ҳусайний" тахаллуси билан ижод этган. Ёзма туркий тилни ривожлантириш, шу тилда ижод қилишга доир махсус фармон чиқарган. Бу дадил қадам мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлгани шубҳасиз.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" (Нафис мажлислар) тазкирасининг саккизинчи бобини Ҳусайн Бойқарo ижодига бағишлаган, Унинг энг гўзал ғазалларининг илк байтлари (матлаъ)дан мисоллар келтириб, уларни таҳлил қилиб берган.

Ҳусайн Бойқарога тегишли девоннинг кўплаб нусхалари бизгача етиб келган. Ушбу девон ҳукмдорниинг тириклик пайтида ва ундан кейин ҳам бир неча маротаба турли ҳукмдорлар даврида қайта-қайта кўчирилгани ўтмишда унинг шоир сифатида ҳам нуфузи баланд бўлганидан далолатдир.

"Девоний Ҳусайний"нинг қадимий нусхаларидан бири айни пайтда Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Шарқ қўлёзмалари институтида сақланмоқда. В 284-рақами остидаги ушбу қўлёзма насталиқ хатида, сифатли қоғозда кўчирилган ва шоҳона безаклар билан безатилган. Қўлёзмага Россия империясига қарашли Осиё музейи Тарих-филология бўлимининг 1910 йил 6 октябрдаги йиғилиши баёнидан кўчирма ҳам киритилган бўлиб, бу ҳужжат қўлёзманинг тарихини бир мунча ойдинлаштиради.



Унда ёзилишича, қўлёзмани ўша пайтларда Ницца (Франция)да хизмат қилаётган чор Россияси мансабдор шахсларидан бири В.Голенишев 1884 йилда Истанбулда қўлга киритган. Ҳужжатда қўлёзма кимдан қай тарзда қўлга киритилгани кўрсатилмаган. Шунингдек, ҳужжатда таниқли шарқшунос олим Карл Залеманнинг (1849-1916 йиллар) бу қўлёзма ҳижрий X аср Ҳирот мактабининг маҳсули экани ҳақидаги хулосаси ҳам қайд этилган.

Китоб хотимасида котибнинг исми ва қўлёзма кўчирилган сана кўрсатилмаган. Аммо дастхат ўз даврининг машҳур котиби Султон Али Машҳадий (1437-1520 йиллар) услубига жуда яқин. Қўлёзманинг қимматбаҳо қоғозда битилгани, махсус безаклар берилгани, олтин билан зийнатлангани уни ҳукмдорлар ёки юқори мартабали зодагонларига атаб кўчирилган, дея тахмин қилишга асос бўлади. Ҳар бир ғазалдан сўнг такрорланадиган араб тилидаги дуолар орасида "навараллоҳу марқадаҳу" (Аллоҳ қабрини мунаввар қилсин), "ғафароллоҳу зунубаҳу" (Аллоҳ гуноҳларини мағфират қилсин) сингари жумлалар борлиги бу қўлёзма эгаси яқин орада вафот этганини англатади. Демак, девон 1505-1510 йиллар оралиғида кўчирилгани, кўчириш ишлари Ҳусайн Бойқаронинг тириклик пайтида бошланиб, унинг вафотидан сўнг тугаллангани ҳақиқатга анча яқин.

Китоб саҳифаларига олтин зарралари сепилган, девондан ўта маҳорат билан билан ишланган бешта миниатюра ҳам ўрин олган. Девондаги турли даврларда битилган 154 та ғазалнинг деярли барчаси аруз вазнининг "рамал" баҳрида битилган. Девонда Ҳусайний ўз ижодида Алишер Навоий лирикасига таянгани аниқ кўзга ташланади. Айни чоғда тўпламда ижодкорнинг шоирона шуури, бадиий ўткир нигоҳи рўй-рост намоён бўлган. Девондаги

***"Гар Ҳусайнийға бир ўтлуқ юз ғами ўт солмаса,***
***Бас нечук оламни куйдурди навоийвор ўти?",***
***"Эй Ҳусайний, эл саломат қўйидин бўлғай жало,***
***Гар Навоий янглиғ оҳанги Ҳижозимни десам"*** сингари байтларда ҳам Ҳусайнийнинг қадрдон дўсти Навоийга ихлоси ва эътибори яққол сезилиб туради.

Китоб шоҳона бадиий безаклари, шакл-шамойили, нақш ва миниатюраларнинг бежиримлиги билан Шарқ китобат санъатининг бебаҳо дурдонаси ҳисобланади. Шунингдек, бу китоб темурийлар даври маданияти, хусусан, ҳаттотлик, тасвирий санъат ва ва китобат санъати хусусида муайян тасаввур уйғотади.

Ҳусайн Бойқаро мероси айни пайтга қадар Суйима Ғаниева, Афтондил Эркинов, Ҳамид Арасли, Исмоил Ҳикмат сингари ўзбекистонлик ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Унинг девони 1968 йилда Тошкент ва Қобулда, 1995 йилда Тошкентда қайта нашр қилинган. Санкт-Петербургдаги қўлёзманинг яна бир муҳим хусусити шундаки, унда Ҳусайн Бойқаронинг ушбу нашрларга кирмаган бир қанча байтлари ҳам ўрин олган.

Бебаҳо маънавий хазина бўлган ушбу нодир қўлёзмаларни илмий асосда ўрганиш ва натижаларини кенг оммага ҳавола этиш мумтоз адабиётимиз тадқиқотчилари олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Қизиқарли фактлар*

# ҒАРОЙИБ ИҚТИДОР

*ёхуд сохта пулларни санъат асарларига айлантирган рассом*




***Қоғоз пуллар пайдо бўлгандан буён рассомларнинг дунёдаги обрўли валюталар тасвирларини чизиши одат тусини олган. Кимдир бу ишни ҳаваскорлик учун қилган бўлса, бошқаси уни санъат даражасигача олиб чиққан. Америкалик Жеймс Стивен Жорж Боггс турли пуллар тасвирини чизишни санъатга айлантирган рассомлардан бири ҳисобланади.***

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, рассомнинг бу ғаройиб "ҳунари" кутилмаган тасодиф туфайли юзага чиққан. Гап шундаки, ўрта мактабни ҳам тугатмаган бўлса-да, расм чизиш маҳорати жуда яхши шаклланган ҳаваскор рассом Боггс 1984 йилда Чикагодаги қаҳвахонада қоғоз сочиққа 1 долларлик банкнотнинг тасвирини чизади. Боггс уни ўзи истеъмол қилган қаҳва ва ширинлик учун тўлов сифатида хизматкор аёлга бериб кетади. Ҳеч нарсани сезмаган хизматчи аёл Боггсга ҳатто 10 цент қайтим ҳам беради.

Кейинчалик уддабуррон Боггс банкнотларнинг фақат бир томонини чизади ва тез орада унинг қўлда чизган долларлари машҳур бўлиб кетади. Одамлар уларни "Боггснинг банкнотлари" деб атай бошлайди. Гарчи одамлар Боггс чизган банкнотлар тасвирларини катта пул эвазига сотиб олишга тайёр бўлишса-да, у "санъат асарлари"ни фақат тенг қийматга сотган. Масалан, 100 долларлик тасвирни 100 долларга, 20 долларлик тасвирни 20 долларликка айирбошлаган.

Тез орада Боггс жуда машҳур бўлиб кетади. У нафақат турли қийматдаги долларлар, балки Англия фунт стерлинги, Швейцария, Франция, Белгия франклари, Италия лираси ва бошқа валюталарнинг тасвирини аслига ўхшатиб чиза бошлайди.

Ўша пайтда санъат асарлари савдоси билан шуғулланувчи даллоллар ва турли коллекционерлар Боггсга чизаётган пулларини арт-бозорда сотишни таклиф этишади. Аммо у буни рад этади. Зеро, бунга ҳожат ҳам йўқ эди — исталган жойда Боггснинг пулларини олувчилар топиларди.

Шундай бўлса ҳам, Боггс чизган пул тасвирлари турли коллекция ва музейлардан жой ола бошлайди. Унинг ўзи ҳам турли галереяларда кўргазмаларини ташкил этади.

Гарчи Боггс ўз "асарлари"ни ўз қиймати бўйича сотса ҳам, унинг пуллари АҚШда ва Европада ўз қийматидан бир неча баробар қимматроққа сотиларди. Масалан, у 100 долларлик пул тасвирларини 100 долларга сотса, ўша тасвирлар бир-икки нафар даллол қўлидан ўтиб, нархи янада ошиб кетаверган.

Боггс чизган пул тасвирларини Лондон, Нью-Йорк ва Базелдаги коллекционерлар камида 2-3 минг АҚШ долларига сотиб оларди.

Бунинг устига коллекционерлар Боггсга антиқа таклифлар билан чиқишар эди. Хусусан, айримлар пулларга ўзлари ёки яқин инсонлари, бошқалари эса, тарихий шахсларнинг суратларини чизиб беришни илтимос қиларди. Кўпинча Боггс қоғознинг бир томонига пул тасвирини чизса, орқасига дасхат ёзиб берар ёки буюртмачининг талаби билан табрик сўзлари ёзилган бўларди. Кейинчалик ана шундай ноёб кўринишдаги 100 долларлик пулнинг тасвири кимошди савдосида 420 минг долларга сотилган.

Боггснинг машҳур ишларидан бири Флорида нумизматлар бирлашмаси съезди учун тайёрлаган доллар тасвирлари эди. Ўшанда Боггс 1 доллардан 50 долларгача бўлган банкнотлар тасвирини аслидагидан ҳам яхшироқ қилиб чизган.

Боггс турли қийматдаги Британия фунт стерлингининг ажойиб нусхаларини чизади. Уларда Шекспир асарлари қаҳрамонлари тасвирланганди.Бундан ташқари Боггс ўз тасаввуридаги долларларнинг тасвирини ҳам чизган ва улар кўпчиликка манзур бўлган. Жумладан, у ўз тасаввуридаги 100 долларлик банкнотга АҚШда қулчиликка қарши мардона курашган қора танли аёл Гарриет Табмен суратини акс эттирганди.

2021 йилда АҚШ федерал резерв фонди 20 долларлик янги банкнотлардан АҚШнинг еттинчи президенти Эндрю Жексоннинг сурати олиб ташланиб, ўрнига Гарриет Табмен сурати туширилиши режалаштирилаётгани эълон қилди.Агар бу иш амалга ошса, Боггснинг нуфузи янада ошиши шубҳасиз.

1986 йил 31 октябр куни Англия полицияси Лондондаги машҳур "Young Unknowns" галереясида ўз кўргазмасини ўтказаётган Боггсни кутилмаганда ҳибсга олади. Галереядан у чизган пуллар тасвирлари ҳам олиб қўйилади. Боггсни фунт стерлинг тасвирларини Англия банкидан рухсат олмасдан чизиш, шунингдек, пулларни сохталаштириш ва обрўсизлантиришда айблашади. Чунки Буюк Британияда Англия банкининг рухсатисиз фунт стерлингларнинг тасвирларидан фойдаланиш ва уларни чизишни тақиқловчи қонун мавжуд. Унга кўра, фақат Англия банкидан рухсат олгачгина бу ишни бажариш мумкин.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# НОПОК ЙЎЛ

## *жабрланувчини сарсон, судланувчини бадном қилди*



***Мамлакатимизда ишга қабул қилишда аҳоли учун адолатли шарт-шароит ва тенг имкониятларни ўзида жамлаган мезонлар ишлаб чиқилган. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида қоида тариқасида ишга ўрта тиббиёт ходимлари танлов асосида қабул қилинади. Бунинг учун ишга кирмоқчи бўлган ходим муассаса маъмуриятига қонуний тартибда мурожаат қилиши талаб этилади.***

Буларни таъкидлашдан мақсад шуки, ишга қабул қилишнинг амалда белгиланган тартиб-қоидаларига риоя этмаслик, таниш-билишчилик йўли билан иш битиришга уриниш коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Моҳидил Тошқулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Самарқанд шаҳридаги тиббиёт коллежини тугатгач, иш сўраб бир неча тиббиёт муассасаларига мурожаат қилди, аммо иш топилмади. Бунинг устига унга ҳеч ким ишга жойлашишнинг амалдаги тартибини тушунтирмади.

Кунларнинг бирида у танишларидан Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида ишловчи Гулзебо Тўрақулова исм-шарифли аёл ишга жойлашишда ёрдам бериши ҳақида эшитиб қолди ва унинг телефон рақамини олиб, қўнғироқ қилди.

Шундан сўнг учрашишганда, Г.Тўрақулова бу содда, ишонувчан қизни ўзининг алдов тузоғига илинтиришни кўнглидан ўтказди. Моҳидилдан қаерга ишга кирмоқчи эканини сўради. Моҳидил эса, Самарқанд тиббиёт институти клиникасида ишлаш ниятида эканини айтди.

— Мен сизни ўша ерга ишга жойлаштириб қўйишим мумкин, — деди Г.Тўрақулова — Фақат "харажати"дан қочмасангиз бўлди. Харажат: 1 минг 800 АҚШ доллари бўлади.

Бундай катта миқдордаги маблағни эшитиб, Моҳидилнинг ҳуши бошидан учиб кетди. Сўнгра зора ниятим осон амалга ошса, деган мақсадда "бирорта туғуруқхонага ишга киритиб қўя олмайсизми?" — дея ялингандек оҳангда сўради.

— Туғуруқхонага ишга кириш "харажати" ундан ҳам "қиммат": 2 минг 500 АҚШ доллари — деди Г.Тўрақулова пинак бузмай.

Бу гапдан сўнг Моҳидил ўйга ботиб қолди ва Самарқанд тиббиёт институти клиникасига ҳамшира бўлиб ишга кириши учун 1 минг 200 АҚШ доллари беришга қурби етишини, шунда ҳам 1 минг АҚШ долларини аввалдан, қолган 200 долларини иш битгач, беришини айтди.

Қисқаси, ўтган йилнинг 1 июнь куни Моҳидил Г.Тўрақулова билан учрашади ва унга 1 минг АҚШ долларини беради. Ўз навбатида, Г.Тўрақулова бир ой ичида ишини ҳал қилиб беришини айтди.

Аммо орадан ваъда қилган бир ой ўтса-да, Моҳидил клиникада иш бошламайди. У Г.Тўрақуловага учрашганда, катта лавозимда ишлайдиган танишини Тошкентдан келишини кутаётганини айтади. Кейинчалик Г.Тўрақулованинг айтишига қараганда, бахтга қарши ўша таниши касаликка чалиниб қолганмиш...

Орадан икки ой ўтгач, Г.Тўрақулова Моҳидилга қўнғироқ қилади-да, иш ўрганиш мақсадида тиббиёт институти клиникасига амалиётга бориб туришига кўрсатма берди. Буни эшитиб, Моҳидилнинг ишга жойлашишига умид уйғонади ва амалиётга боради. Лекин клиникага келгач, ишга кириши учун унинг ҳеч қандай ҳужжати юборилмагани маълум бўлади. Бироқ бунга қарамай Г.Тўрақулова амалиёт ўтаётган Моҳидилдан қолган 200 АҚШ долларини ҳам беришни талаб қилади. Сўнг маблағни олгач, у бугун-эрта ишга қабул қилингани тўғрисидаги буйруқ чиқишини айтиб, Моҳидилни ишонтиради.

Г.Тўрақулованинг таниши орадан беш ой ўтгач, клиникага келади, аммо иш ҳал бўлмайди.

Г.Тўрақулова бир пайтлар Моҳидилга пулларни танишига бериб қўйганини айтганди. Шу сабаб Моҳидил ҳалиги танишдан ишни битиролмагани учун пулни қайтариб беришини сўрайди-ю, балога қолади. Унинг айтишича, пулдан умуман хабари йўқ экан...

Шундан сўнг Моҳидилнинг сарсончилиги бошланади. Шу йилнинг февраль ойи бошларида Г.Тўрақулова Моҳидилга 500 АҚШ долларини қайтариб беради. Қолганини "эртага-индин бераман", дейди, аммо сўзининг устидан чиқмайди. Охир-оқибат тоқати тоқ бўлган М.Тошқулова Г.Тўрақулованинг хатти-ҳаракатлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилди. Шундан сўнг Г.Тўрақуловага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов ва судда Г.Тўрақулова жабрланувчидан алдов йўли билан олган пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб қўйгани ўз исботини топди.

Суд Г.Тўрақуловани Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди. Унга нисбатан айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо белгилаб, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил бир йил муддатга тиббиёт тизимида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиб, икки йил икки ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Шу ўринда айтиш керакки, жабрланувчи М.Тошқулованинг фирибгар тузоғига тушиб, сарсон-саргардон бўлишига биринчи галда унинг ўзи сабабчи. Чунки у ўрта тиббиёт ходимларини ишга қабул қилишнинг амалда белгилаб қўйилган талабларини яхши ўрганиб, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганида бошига бу ташвишлар тушмас эди. Кўриниб турибдики, унинг ҳуқуқий билими етарли эмаслиги, ўз ҳуқуқларини билмаслиги, ишга таниш-билишчилик йўли билан жойлашишга ҳаракат қилиши фирибгарнинг тегирмонига сув қуйган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, тўғри йўлдан адашиш, ҳалол луқмани ҳаромга айлантиришдан бошланади. Қинғир йўл эса, ҳамиша афсус ва надоматга етаклайди. Бу бошқалар учун сабоқ бўлиши зарур.

**Ҳулкар КЕЛДИЁРОВА,**
*Самарқанд вилояти суди судьяси*
**Зарифа АҲМЕДОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***

**Бахтиёр ИСЛАМОВ**
**Робахон МАХМУДОВА**
**Халилилло ТУРАХУЖАЕВ**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Шухрат ПОЛВАНОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Азиз АБИДОВ**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

**Саҳифаловчи:**
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй**
**Тел.: 71-278-82-26**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7942
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21:30. Топширилди: 23:20.